

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ
01.11.2004 й.
N 511**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲИСОБ-
КИТОБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТҮҒРИСИДА**

[Кўчирма]

Мазкур Қарорга қуидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон Қарори,
ЎзР ВМ 17.02.2010 й. 23-сон Қарори,
ЎзР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори,
ЎзР ВМ 01.11.2013 й. 295-сон Қарори

1-илова. Электр энергияси маҳсус тартибга кўра етказиб
бериладиган истеъмолчи корхоналар рўйхати

2-илова. Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий
электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро
ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида Низом

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 29 сентябрдаги Ф-2047-сон фармойишига мувофиқ маҳсус комиссия истеъмолчиларнинг истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларининг ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари билан ҳисоб-китобларининг ахволини танқидий ўрганиб чиқди. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси томонидан кўрилган чора-тадбирларга қарамай ҳисоб-китоблар интизомининг бузилиши ҳоллари давом этмоқда, етказиб берилган электр энергияси учун тўловни ўз вақтида тўламаган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатишга доир талаблар бажарилмаяпти, тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлар кўпаймоқда. Берилаётган ва истеъмол қилинаётган электр энергиясини ҳисобга олишнинг мақбул тизими мавжуд эмас. Амалдаги ўзаро ҳисоб-китоблар механизми эскирган, у истеъмол қилинган энергия учун маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши учун зарур даражадаги жавобгарликни таъминламайди.

Етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш соҳасидаги ахволни тубдан яхшилаш, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда берилган электр энергияси учун истеъмолчилар қарзларининг кўпайишига йўл кўймаслик, ҳам электр энергияси етказиб берувчиларнинг, ҳам истеъмолчиларнинг шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши учун жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:** (ЎзР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги мұқаддима)

1. 2005 йил 1 январдан бошлиб солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун жавобгарликка тортишнинг белгиланган тартиби истеъмол қилинган

электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган тўловларга йўл қўйган юридик шахсларга татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тўлов муддати ўтган қарзларни иғиши ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш функцияси юклансин.

Белгилаб қўйилсинки, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси бўлинмалари томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган тўлов талабномалари тўғрисидаги реестрлар бўйича юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан сўзсиз тартибда ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда бир ой муддатда "Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ундириб олиш чоратадбирларини кўриш учун муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисида"ги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

барча юридик шахслар - электр энергияси истеъмолчилари истеъмол қилинган электр энергияси (кувати) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, электр таъминоти шартномасига мувофиқ ҳар ойда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

ҳисоб-китоб ойидан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, 1-иловага мувофиқ электр энергияси етказиб беришнинг маҳсус тартибига эга бўлган корхоналар учун эса - 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади;

уй-жойлар ҳамда турар жой ва турар жой бўлмаган фонд хоналарининг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш фақат энергия, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун қарзлар тўлиқ тўланган тақдирда амалга оширилади.

(ЎЗР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

3. Қуйидагиларга:

электр таъминоти шартномалари тузмаган ва шартномада назарда тутилган мажбурий тўловни олдиндан тўламаган; (ЎЗР ВМ 01.11.2013 й. 295-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимиға мос бўлган ҳисобга олиш ҳисоб-китоб электрон приборларини ўрнатмаган;

истеъмол қилинган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда тўланмаган қарзи бўлган;

электр энергиясини электр таъминоти шартномасида назарда тутилган ҳажмлардан ортиқча истеъмол қилган юридик шахсларга электр энергияси етказиб бериш тўхтатиб қўйилсин.

(ЎЗР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

4. Қарзи мавжуд бўлган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб туриш бўйича талабларга риоя этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик ҳудудий электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари зиммасига юклансин. (ЎЗР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)

30 кундан ортиқ қарздорлик мавжуд бўлганда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ходимларига истеъмолчилар узиб қўйилмаганлиги ва уларга электр энергияси берилганлиги учун - ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида жарима жазолари белгиланадиган, ушбу ҳолат тақрорлагандага эса - улар эгаллаб турган лавозимидан озод этиладиган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий

ва жиноий жавобгарликка тортиладиган тартиб белгилансин. (**ЎзР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги хатбоши**)

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси 2004 йил 31 декабргача тегишли мансабдор шахслар билан меҳнат шартномаларида ишлаб чиқариладиган ва бериладиган электр энергиясининг сақланиши, уни узатишдаги технологик сарфлар параметрларига риоя этилиши учун моддий жавобгарликни назарда тутсин. (**ЎзР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги хатбоши**)

5. Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у 2005 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин. (**ЎзР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги хатбоши**)

6. Белгилаб қўйилсинки, аҳоли истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловни ўз танловига кўра, чекланмаган ҳолда, тижорат банклари муассасалари, тўловларни қабул қилиш кассалари, ташкилотлари ва пунктларида амалга оширадилар. (**ЎзР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриридаги хатбоши**) (**Олдинги таҳририга қаранг**)

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатувчи тузилмалар, тижорат банклари истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда коммунал хизматлар учун аҳолидан тўловларни қабул қилиш бўйича барча мавжуд чеклашларни олиб ташласинлар.

Аҳолига мумкин қадар қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларига электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш бўйича мини-банклар ва тижорат банклари филиалларининг маҳсус кассаларини очиш ва уларнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш тавсия этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банкларига аҳолидан коммунал тўловларини қабул қилиш бўйича мини-банклар ва маҳсус кассалар очища ёрдам кўрсатсинглар ҳамда кўрилган чоратадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2005 йил 1 июлгача ахборот берсинлар.

7. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, бошқа коммунал хизматлар, шунингдек алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида тижорат банклари билан шартномалар тузсинглар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.Каримов

**Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 1 ноябрдаги
511-сон қарорига
1-ИЛОВА**

**Электр энергияси маҳсус тартибга кўра
етказиб бериладиган истеъмолчи корхоналар
РЎЙХАТИ**

(ЎзР ВМ 07.04.2010 й. 66-сон Қарори таҳриидаги илова номи)

1. "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти
2. "Электркимёсаноат" очиқ акциядорлик жамияти (Чирчик шаҳри)
3. "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси (Фарғона шаҳри)
4. "Аммофос" очиқ акциядорлик жамияти
5. Навоий кон-металлургия комбинати
6. "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти
7. "Ўзметкомбинат" бирлашмаси
8. "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг минтақавий сув қувурлари бошқармалари
9. "Тошисиқлиқэнерго" ишлаб чиқариш бирлашмаси
10. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 44-сон, 460-модда.

"Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2004 й., N 11, 103-модда.